

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА  
СМЕТАЛАР ТУЗИШ УСЛУБИЁТИ**

**Хамраева Мадина Нуридиновна**

*Тошкент молия институти магистранти*

**Аннотация.** Ўзбекистон Республикаси Бюджет тизимида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар авваламбор бюджет ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштиришига қаратилган. Бунда бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва уларни рўйхатдан ўтказиши ва смета ижроси борасида яқуний ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиши масалалари бир-бiri билан боғлиқ, тизимли жараён бўлиб, уларни мунтазам такомиллаштириб бориши долзарб масалалардан биридир. Мақолада муаллиф томонидан бюджет ташкилотларида сметадҳлар тузиши услубиёти ҳақида фикр мулоҳазалар юритган.

**Калит сўзлар:** смета, бюджет, низом, ҳаражат, маблағ, молия, ташкилот, якка, жамланма, марказлашган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг ilk кунларидан бюджет ташкилотларини молиялаштириш механизмини ислоҳ қилишга, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилиб, қатор чоратадбирлар амалга оширилди.

Давлат томонидан маблағ билан таъминланадиган қатор ижтимоий соҳалар: таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, давлат бошқаруви органлари муассаса ва ташкилотлари бюджет ташкилоти мақомида фаолият юритади. Давлат бюджетининг катта миқдори ҳам айнан шу соҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Бюджет ташкилотлари ҳаражатларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштириш ҳаражатлар сметаси асосида амалга оширилади. Ҳаражатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш, молиялаштириш учун қабул қилиш тартиблари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, Молия вазирлигининг буйруқлари ва тегишли тармоқ вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган. Лекин охирги йилларда давлат молиясини ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга ошириш доирасида сўнгги натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тамойилларининг жорий қилиниши, ўрта муддатли бюджет истиқболларини белгилаш сиёсатининг илгари сурилиши, давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмларининг жорий этилиши, бюджет маблағлари ҳисобидан давлат харидларини ташкил этиш тартибларининг белгиланиши ва бюджет сиёсатидаги бошқа ўзгаришларнинг амалга оширилиши бюджет ташкилотлари ҳаражатларини аниқ режалаштириш механизмларини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Республикаизда ҳаражатлар сметасидан самарали фойдаланиш борасидаги асосий

камчиликлар бюджет тизимининг кенглиги, харажатлар сметасини тузишнинг вағизничилик тизимининг шаффоф эмаслигига намоён бўлмоқда. Айрим ҳолларда харажатлар сметасини шакллантириш тамойилларининг бузилиши, харажатларнинг рағбатлантириш вазифасини тўлақонли бажармаётганлиги ҳолатлари кузатилмоқда. Натижада бюджет ташкилотларининг молиявий танг ҳолатларга тушишига ҳам олиб келмоқда.

Бюджетдан молиялаштириш дейилганда режада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун субъектларга бюджетдан маблағларни тақдим этиш тизими тушунилади. У пул маблағларини тақдим этишнинг ўзига хос бўлган шакл ва методлари билан характерланади ҳамда маълум бир принципларга таянади.

Ўзбекистон Республикасида бюджетни режалаштириш усулининг бош омили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарори билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Мазкур ҳужжатга қўра, бюджет ташкилотлари молиялаштирилиши смета харажатлари асосида тўрт груп (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақига қўшимчалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар)га ажратилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган. Ушбу методнинг 2000 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилиши ҳар қандай бюджет харажат йўналишлари қатъий белгиланишини ўзида акс эттиради.

2013 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг қабул қилиниши натижасида юқоридаги низом ўрнига янги меъёрий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрьдаги 74-сон буйруғи билан тасдиқланиб, Адлия вазирлигига 2014 йил 15 декабрьда 2634-ракам билан рўйхатдан ўtkazilgan “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkaziш тартиби тўғрисидаги Низом” кучга кирди. Ушбу Низомга мувофиқ, бюджет ташкилотларида сметаларнинг қўйидаги турларда амалда қўлланилади:

- якка (индивидуал) сметалар;
- жамланма сметалар;
- бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар;
- марказлашган тадбирлар учун сметалар.

Якка сметалар юридик шахс мақомига ега бўлган алоҳида олинган муассаса бўйича тузилади. Масалан, муайян ҳудудда (туман ёки шаҳарда) жойлашган юридик шахс мақомида фаолият қилувчи давлат умумтаълим муассасалари, мактабгача таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар мустақил равишда бюджетдан тўланиши кўзда тутилган ўз харажатларини якка смета асосида режалаштиради.

Жамланма сметалар юридик шахс мақомига эга бўлмаган ва тегишли давлат бошқарув органлари ҳузуридаги марказлаштирилган бухгалтериялар ва тегишли

ҳокимиятларнинг бухгалтериялари томонидан хизмат кўрсатилаётган ташкилотлар бўйича тузилади (масалан, туман маданият бўлимига қарашли марказий кутубхоналар тизими бўйича). Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида келтирилишича, “жамланма харажатлар сметаси - бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан унинг тасарруфидаги бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари асосида тузиладиган харажатлар сметаси” хисобланади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета (даромад ва харажатлар сметаси) - ташкилотлар томонидан жорий молия иили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкил бўлиш манбалари ва ушбу маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс эттирилади. Масалан, олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида талабаларни ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ва уларни ишлатиш йўналишлари бюджет қонунчилиги (хусусан, 2634-сонли Низом) билан белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета асосида режалаштирилади.

Марказлашган тадбирлар учун сметалар - вазирликлар, идоралар ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан марказлаштирилган ҳолда амалга ошириладиган харажатлар бўйича тузилади ва ҳар бир марказлашган тадбир учун алоҳида ишлаб чиқилади. Масалан, бошланғич синф ўқувчиларини қишки кийим-бош билан таъминлаш, биринчи синф ўқувчиларига ўқув қуроллари ва анжомлари комплекти тақдим қилиш билан боғлиқ тадбирлар учун тегишли вазирлик даражасида марказлашган тадбирлар учун сметалар ишлаб чиқилади.

Харажатлар сметаси ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета бир йиллик муддатга - 1 январдан 31 декабргача бўлган даврга тузилади (мавсумий тадбирлар учун ёки жорий молия йилида ишга тушириладиган ташкилотлар бўйича эса уларнинг мазкур йилдаги фаолият кўрсатиш ойларига тузилади ва амал қиласи).

Вақтинчалик харажатлар сметаси - бюджет ташкилотининг (ёки бюджет маблағлари олувчининг) харажатлар сметаси тасдиқлангунига ва рўйхатдан ўтказилгунига қадар амал қиласиган ҳужжат бўлиб, унда қонун ҳужжатларидағи ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳар ой учун акс эттирилади. Вақтинчалик харажатлар сметаси ойлар кесимида биринчи чорақдан ошмаган давр учун тузилади, кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Бунда ҳар ойлик харажатлар ўтган молия йилининг охирги чорагида бюджет ташкилоти томонидан сарфланган бюджет маблағларининг учдан бир қисмидан ошибб кетмаслиги шарт.

“Келгуси молия йилининг биринчи чораги учун бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг вақтинчалик харажатлар сметалари жорий молия йилининг 25 декабригача тузилади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади”<sup>94</sup>.

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси: 104-модда. // <https://lex.uz/docs/2304138>

Вақтингчалик харажатлар сметаси асосий смета тасдиқлангунга қадар амалда бўлади, бунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасидаги биринчи чорак учун кўзда тутилган харажатлар суммаси ташкилотларнинг вақтингчалик харажатлар сметасида режалаштирилган харажатлар суммасидан кам бўлиши мумкин эмас.

Штатлар жадвали эса доимий ишчиларнинг лавозимлари номларининг рўйхати бўлиб, унда бир номдаги лавозимлар ва лавозим бўйича маошларнинг ҳажми қайд этилади, у мулк эгаси, раҳбар ёки юқори орган томонидан тасдиқланади. Штат жадвали корхона, ташкилот ва муассасаларнинг таркибий бўлинмалари штатларини тегишли тоифадаги ишчилар билан тўлдириб олиш хукукини беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг бюджетдан ажратилган маблағлар бўйича харажатлар сметасини ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек штатлар жадвалини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби билан белгиланган<sup>95</sup>.

Бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ва уларнинг харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вақтингчалик харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

Харажатлар сметаларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини тузища мөннатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари, товарлар (ишлар, хизматлар) учун нарх ва тарифлар барча ташкилотлар (мавсумий ёки молия йили мобайнида янгидан тузилаётган ташкилотлардан ташқари) бўйича - мазкур сметалар тузилаётган молия йилининг 1 январида амалда бўлган шартларда; мавсумий ёки молия йили мобайнида янгидан тузилаётган ташкилотлар бўйича - мазкур ташкилот фаолият кўрсатиши бошланган ойнинг биринчи санаси ҳолатига кўра ҳисобга олинади.

Бюджет тизими бюджетлари ижроси жараёнида юзага келадиган барча қўшимча харажатларга бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларига бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ”да белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси, вақтингчалик харажатлар сметалари,

<sup>95</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги 74-сон буйруги билан тасдиқланган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ”

бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг жамланма харажатлар сметаси минг сўмда тузилади.

Бюджет ташкилотларининг штат жадваллари ва бюджет маблағларини тақсимловчиларининг жамланма штат жадваллари сўмда тузилади. Харажатлар сметаси бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари томонидан белгиланган шаклда тузилади.

Молия органлари ва бюджет маблағларини тақсимловчилар бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларига доир ҳисоб-китобларни талаб қилишга ҳақлидир.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилмаси илова қилинган ҳолда харажатларнинг тўрт гурӯҳи бўйича тузилади ва ҳисбот бериш мақсадида фойдаланилади.

Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек амалдаги смета ва штатлар жадвалига киритиладиган молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

**Бюджетдан маблағ олувчиларни харажатлар гуруҳлари бўйича давлат бюджетидан молиялаштириш**

I. Иш ҳақи ва унга tengлаштирилган тўловлар (болали оиласларга нафақалар ва кам таъминланган оиласларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар)

II. Иш ҳақига қўшимчалар

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда ттилган аниқ рўйхатларга мувофиқ)

IV. Бошқа харажатлар

**Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар сметаларидағи харажатларнинг таркиби<sup>96</sup>**

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек, амалдаги смета ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар албатта Молия вазирлигининг Фазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари билан келишилади.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари харажатлари биринчи навбатда молиялаштирилади (тўланади). Бунда II

<sup>96</sup> Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги 74-сон бўйруғи билан тасдиқланган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ асосида тайёрланди.

харажатларнинг гурухига тегишли маблағ ўтказмасдан I гурух харажатларини амалга ошириш тақиқланади.

Ягона ҳисоб рақамида, шунингдек ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамида биринчи ва иккинчи гурухлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлганда ортиқча сумма миқдорида учинчи ва то’ртинчи гурухлар бўйича харажат қилишга рухсат этилади.

Капитал қўйилмаларга ажратмалар (III гурух харажатлари) жорий бюджет йили учун тасдиқланган Республика инвестиция дастурига мувофиқ қурилишларнинг аниқ рўйхатларига мувофиқ ажратилади.

Ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар обьектлари қурилишига давлат бюджетида назарда тутилган харажатлар Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг жорий йилга тасдиқланган Инвестиция дастурига ҳамда қурилишларнинг аниқ рўйхатига мувофиқ, буюртмачиларнинг Молия вазирлигининг Ғазначилигига ва унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган шартномаларга асосан тўланади.

Харажатларнинг I ва II гурухларини республика ва маҳаллий бюджетлардан харажатларини молиялаштириш (тўлаш) сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларни молиялаштириш (тўлаш) бюджетга маблағлар тушишига қараб ҳар ойда амалга оширилади.

Газна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари харажатларини:

- республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига белгиланган шаклдаги мақсадли сертификат (унда бюджет таснифомаси параграфлари ва харажатлар гурухларини кўрсатган ҳолда) ва харажатларнинг ҳар бир гурухи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қофози билан расмийлаштирилади;

- маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) - тегишли молия органларида белгиланган шаклдаги тайинлаш сертификати ва харажатларнинг ҳар бир гурухи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қофози билан расмийлаштирилади.

Газна ижросига ўтган бюджет маблағи олувчилар бўйича харажатларни тўлаш:

- республика бюджетидан - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний

шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Харажатларнинг у ёки бу гуруҳида пайдо бўлган кредиторлик қарзлар жорий молия йилига белгиланган лимитлар доирасида уларнинг пайдо бўлиши навбатига кўра ҳар қайси гуруҳ бўйича тўланади.

Ҳисобот чорагининг охирги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича ҳисобот чорагининг охирги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилигига ва унинг худудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

Бюджет маблағлари ҳисобот чорагида тежаб қолинса, ташкилотларни келгуси чорақда маблағ билан таъминлаш ҳажми камайтирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги 74-сонли (рўйхат рақами 2634) буйргуи асосида бюджетни сметали режалаштиришнинг тартиб таомиллари белгилаб берилган. Ушбу ҳужжатда бюджетни сметали режалаштиришда қўйидаги элементларга асосланилиши кўрсатиб ўтилган:

- харажатлар сметаларида доир ҳисоб-китоблар;
- бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажми доирасида тузилади;
- сметаларни тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида кўрсатмалар ҳар йили янгиланади;
- иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари кўрсаткичларига ва тежамкорликнинг қатъий режимини ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган элементлардан кўриниб турибдики, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш ва унинг мавжуд ҳажмидан ортиқ харажатларни амалга оширмасликни назарда тутади. Бу эса, асосий ургу харажатларни режалаштиришда бюджет ташкилотининг фаолият натижаларига эмас, балки харажатлар моддаси бўйича мақсадли фойдаланишга берилаётганлигини ифода этади.

Хулоса қилиб айтганда, сметали молиялаштириш фаолият натижаларига эмас, маблағлар сарф этилишига эътиборни қаратиши маълум бўлмоқда. Демак, сметали молиялаштириш сифат кўрсаткичларидан кўра, микдор кўрсаткичларини кўпроқ акс эттирап экан.